Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 30 июль, чоршанба • № 60 (10.938) • Эркин нархда сотилади

Паркент

ХИРМОН МЎЛ БЎЛДИ

Паркент тумани ҳам давлатга дон топшириш буюртмасини бажарди.

Туман хўжаликлари бу йил 9812 гектар майдонда ғалла етиштириб, режадаги 9920 тонна ўрнига 10574 тонна сифатли дон топширдилар. «Заркент» жамоа хўжалиги, «Бойқозон», «Гулбоғ» халқ корпорациялари, «Бўстон», «Навбаҳор» ширкатлар уюшмалари салмоқли хирмон уйдилар. Туманда ғалла тайёрлаш давом этяпти.

Оҳангарон

ҲОСИЛ БАРАКАСИ

Асосан лалми ерларда ғалла етиштирган Оҳангарон тумани 15,8 минг тонна ўрнига 16,182 тонна дон топшириб, давлат буюртмасини ошириб бажарди. Ўрим-йиғимда 46 та «Енисей» ва «Нива», шунингдек 6 та «Кейс» комбайнлари иштирок этди. Меҳнатдан манфаатдорликни ошириш, ўзаро мусобақалашиб ишлаш йўлга қўйилгани ҳамда механизаторларга зарур шароитлар яратиб берилганлиги ўрим-йиғимни қисқа муддатда тугаллаш имконини берди.

Туманда ғалла топшириш, бўшаган майдонларга такрорий экинлар экиш давом этяпти.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

29 июль куни Президент ИСЛОМ КАРИМОВ раислигида Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, қўмиталар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Мажлисда 1997 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши муҳокама қилинди.

— Ўтган ярим йиллик иш фаолиятимиз якунларини таҳлил этар эканмиз, аввало уларни танқидий нуқтаи назардан баҳолашимиз, қандай камчиликларга йўл қўйдик, қандай вазифаларни бажара олмадик ва бу нуқсонларни бартараф этиш учун нималар қилишимиз лозимлиги хусусида фикрлашиб олмоғимиз керак, деди Ислом Каримов. Халқимиз Ватанимиз равнақи, юрт ободлиги йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Янги иншоотлар қурилиб ишга туширилаётир. Айниқса, ғаллачиликда сезиларли ютуқларга эришилди. Халқимизга, бу ишларга бош-қош бўлаётганларга ташаккур айтмоқ лозим. Шу билан бирга, йўл қўйилган камчиликларда кимлар айбдор, уларни ҳам ном-баном айтиб, уларга замон билан ҳамқадам ишлай оласанми, зиммангдаги вазифаларни бажаришга имконинг етадими, дея савол беришимиз керак. Зеро, халқ хўжалигининг барча тармоқлари, республиканинг барча ҳудудларидаги ишларимиз аҳволини бир хилда ифодалаб бўлмайди. Ютуқ бор жойда камчиликлар ҳам бўлади, албатта. Шунинг учун ютуқ ёки нуқсонлар ҳақида гапирганда одил бўлишимиз, аниқ далилларга таянишимиз лозим.

Мажлисда таъкидландики, ислоҳотлар бошланганидан буён илк бор ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсиши аҳоли ўсиши суръатларидан юқори бўлди ва 3,9 фоизни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш соҳаларида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Чакана товар айланиши, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмлари кўпайиши билан инфляция суръатлари ва нақд пул эмиссияси миқдорлари пасайишига эришилди. Инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги дастур изчил амалга оширилмоқда. Айни чоғда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, айрим корхоналарда айланма маблағлар етицмаслиги, баъзи жойларда эмиссия миқдорининг юқорилиги ҳамон муаммолигича қолмоқда.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, республика давлат акциядорлик уй-жой жамғарма банки бошқаруви раиси Т. Азимов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директори В. Сигедин, Олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов, «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси раиси Р. Матчонов, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Ҳ. Жамолов, «Пахтабанк» бошқаруви раиси Ж. Сайфуддинов муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Мажлисда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мажлис қатнашчилари муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Йиғилишда Республика Олий Мажлиси раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

Воқеалар, хабарлар, лигиликлар

ОЛИМЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

«ОҲАНГАРОН пластмасса қурилиш материаллари» хиссадорлик жамияти жамоаси Ўзбекистон Фанлар академияси кимё илмий-тадқиқот институти олимлари билан ҳамкорликни тобора кенгайтирмоқда. Ишчи-хизматчилар ишлаб чиқаришни айрим кемтик жойларини бартараф этишда уларнинг илмий ишланмалари, ечимлари, маслаҳатларини инобатга олиб, фойда кўрмоқдалар, кўплаб маблағни тежаб қолиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Икки ўртадаги амалий алоқа натижасида ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида асбест ўрнига бошқа таннархи арзон материалларни ишлатиш ўзлаштирилди. Шунингдек, махаллий материаллар асосида тайёрланган пластификаторларни қўлланиш йўлга қўйилди.

Бу тадбирлар 2,7 миллион сўм иқтисодий самара келтирди. Бу кўрилган фойданинг сал кам ярми институт ҳисобига ўтказилди.

Собир ҲАМИДОВ.

ТАЖРИБАЛАРИНИ ЎРГАНИШДИ

ПАРКЕНТ туманида товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси қошида намунали ахборот-маслаҳат таянч пункти ташкил этилди. Бу иш мамлакатимизда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш республика мувофиқлаштириш кенгашининг қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Кўзда тутилган мақсад жойларда бизнесга оператив амалий ёрдам кўрсатишнинг мукаммал тизимини барпо этишдир. Чунончи, энди иш бошламоқчи бўлган тадбиркорнинг зарур маълумот олиш учун вилоят марказига, пойтахтга боришига хожат қолмайди.

Буни Паркентда бўлиб ўтган семинар ҳам тасдиқлади. Таянч пункти очилиши муносабати билан бу ерда ҳокимликларнинг, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бўлинмаларининг, республика бозор инфратузилмаси муассасалари ва савдо-саноат доираларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари тўпланди.

Жойларда ахборот билан таъминлаш вазияти қизғин муҳокама қилинди, тадбиркорларга ахборот-маслаҳат билан кундалик хизмат кўрсатиш тизими, таянч пунктларини ташкил этиш масалалари, паркентлик касбдошларнинг тажрибаси ўрганилди.

(ЎзА).

ЧИЛЛА СУВИ

ДЕҲҚОНЛАРДА асад – экинингни ясат, деган нақл бор. Зеро август ойида шона-гулга, гуллар эса шода-шода кўсакларга айланади. Қуйичирчиқ туманидаги «Пахтачи» жамоа хўжалиги далаларида ғўзалар қийғос кўсакка кирди. Экин оби-тобида суғорилиб, культивация қилиняпти. Суғучилар чилла пайтида экинларни фақат тунда суғормоқдалар.

СУРАТДА: туман ва қишлоқ хўжалиги бошқармаси бош ҳосилоти Абдусаттор Омонбоев, жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Малик Муталов ва механизатор Баҳодир Арипбековлар ғўзалар ҳолатини кўздан кечирмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ЧОРВАЧИЛИК: ЯРИМ ЙИЛЛИККА ЯКУН

Республика Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантиришнинг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлис бўлди.

Унда тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари қатнашди.

Мажлисни республика Бош вазирининг ўринбосари А. Муҳитдинов бошқарди.

Мажлисда йилнинг ўтган даври мобайнида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва озуқа жамғариш борасида муайян ютуқларга эришилгани таъкидланди. Жумладан, гўшт, сут ва тухум етиштириш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайди. Бунда аҳоли шахсий хўжаликларида етиштирилган маҳсулот ҳиссаси салмоқли бўлди. Бироқ айрим туман, жамоа хўжаликлари раҳбарлари чорвачилик фермалари ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилгани, деҳқон-фермер хўжаликлари ихтиёрига ўтказилганидан кейин мол туёғини кўпайтириш, озуқа етиштириш ишларига жиддий эътибор бермай қўйдилар. Қишлоқ хўжалигининг давлат сектори тасарруфидаги паррандачилик фермалари ишини ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди.

Мажлисда қорамол ҳамда бошқа чорва моллари сонини ошириш, уларнинг зотини яхшилаш, парранда гўшти ва тухум етиштиришни кўпайтириш, озуқабоп ва оралиқ экинларни экиш, дағал-хашак жамғариш ва ветеринария хизмати кўрсатиш ишларини жадаллаштириш зарурлиги қайд этилди. Мутасадди раҳбарларга бу борадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.

«ЛАЗЗАТ»НИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТИ

ВИЛОЯТИМИЗДА ҳорижий инвестицияни жалб этиш, замонавий технологияларни жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада белгиланган тадбирлар ўзининг амалий натижасини кўрсатмоқда. 1997 йилнинг биринчи ярмида яна 8 та қўшма корхона иш бошлади.

УЛАРНИНГ бири Янгийўлдаги «Лаззат» ҳиссадорлик корхонасида амалга оширилди. Бу ерда кореяликлар билан ҳамкорликда юқори сифатли карамел ишлаб чиқарувчи «Лаззат-Мивон КО ЛТД» қўшма корхонаси ташкил этилди. Июнь ойида иш бошлаган бу корхонада қисқа муддатдаёқ 210 тонна ёки 26,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Умуман, бугунги кунда вилоятда 69 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Йил бошидан буён бу қўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,2 мартага ўсди.

М ФАТТОХОВ.

ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

ОҲАНГАРОНДАГИ Увак қишлоғи хонадонларининг қарийб ярми ичимлик суви йўқлигидан қўшни қишлоқлардан сув ташиб келтиришарди.

Яқинда фуқаролар йиғини оқсоқоллари кенгашиб, ҳашар уюштиришга қарор қилдилар. Ҳашарда барча хонадонлар қатнашди. Қисқа вақт ичида 6,5 километр масофага сув қувурлари ётқизилиб, қишлоққа тоза сув келтирилди. Муҳими — тоғ орасидан отилиб чиқаётган булоқ суви насоссиз ва бошқа қўшимча ҳаражатларсиз олиб келинди.

Тумандаги Алишер қишлоғида эса газлаштириш ишлари қизғин олиб бориляпти. Шу кунгача асосий газ йўлида пайвандлаш ишлари тугади. Газчилар йил охиригача барча хонадонларни «зангори олов» билан таъминлаш ниятидалар.

Отабек ҒАФФОРОВ.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Муносабат

ЎЗ ТАРАҚҚИЁТ йўлини белгилаб олган Ўзбекистон бозор иқтисодиётига асосланган, демократик, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан жадал бормоқда... Бу — дунё ҳамжамияти эътироф этган ички сиёсатимизнинг ўзаги. Ўзбекистон ташқи сиёсатда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорликни ривожлантириш, умумхавфсизлик, тинчлик сиёсатига содиқдир... Бу — ташқи фаолиятимизга берилган баҳо.

ЯҚИНДА Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари давлатлараро кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз ўз фикрларини баён этар экан, Ўзбекистон бундан буён ҳам ўз йўлидан изчил ва қатъий илгарилаб боражаклигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, республикамиз раҳбари мустақилликка эришган кунимизданоқ нафақат Ўзбекистон манфаати, балки, минтақавий муаммолар ва Марказий Осиё худудидаги республикалар манфаати нуқтаи назаридан ўзининг теран фикрларини баён этиб келмоқда. Бунинг замирида жуда чуқур маъно бор, албатта. Бундан уч йил аввал Ўзбекистон, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон ўртасида ягона иқтисодий макон барпо этиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши ва ўтган қисқа давр мобайнида бу шартнома доирасида сезиларли ишлар қилинганлиги ҳам ана шу сиёсатнинг самараси бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Чўлпонотада бўлиб ўтган бу сафарги кенгаш ҳам кўрилган масалалар қамровининг кенглиги, катта ва нуфузли минтақада иқтисодий интеграцияни янада ривожланишида қўшимча имкониятлар очганлиги билан аҳамиятлидир.

Уч давлат раҳбарлари учрашув чоғида ана шу мамлакатлараро иқтисодий интеграция жараёнини янада чуқурлаштиришнинг амалий чораларини кўриш энг асосий вазифалардан эканлигини алоҳида таъкидлашди. Ҳукуматларга энергетика, сув заҳиралари, ягона коммуникация маконини шакллантириш, хом ашё ресурсларини қазиш, қайта ишлаш, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш сингари қатор масалалар юзасидан ҳамкорлик қилиш бўйича таклифлар киритиш вазифаси юклатилди. Айни вақтда булардан кўзланган мақсад Марказий Осиёда ягона бозор тизимини шаклантиришга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Ҳозирнинг ўзидаёқ ўзининг нуфузи, аҳамияти билан жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини торта бошлаган бу ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ эканлиги кўриниб турипти. Буни иштирокчи давлатлар раҳбарлари имзолаган ҳужжатлар яна бир бор исботлади. Иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича қабул этилган қарорнинг бир жиҳатига алоҳида тўхталиб ўтиш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз. Унда нафақат мамлакатлар иқтисодиётларининг бир-бирига яқинлашуви, ягона бозорни ривожлантириш, балки, минтақадаги мавжуд иқтисодий қийинчиликларни имкон қадар тезроқ бартараф этиш масалалари ҳам ҳисобга олинди.

Чўлпонотада бўлиб ўтган кенгашда минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш муаммосига ҳам кенг тўхталинди. Бу бежиз эмас. Чунки, Афғонистон ва Тожикистонда кечаётган можаролар қўшни давлатларни ҳам ташвишга солмоқда. Қолаверса, Афғонистонда рўй бераётган воқеаларга жаҳондаги етакчи давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг эътиборини қаратиш аллақачоноқ заруриятга айланган эди. Хусусан, мамлакатимиз Президенти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа нуфузли анжуманларда бу масалани бир неча бор кўтарди ва ўз таклифларини билдирди. Кенгашда уч давлат Президентлари мазкур масалада ўзларининг ягона нуқтаи назарларини баён этиб, Афғонистон можароси тинч музокаралар йўли билан ҳал этилиши лозимлигини таъкидладилар. Қирғизистон президенти томонидан Бишкекда БМТ раҳнамолигида Афғонистон бўйича халқаро тинчлик конференциясини ўтказиш тўғрисидаги таклиф қўллаб-қувватланди. Умуман, минтақада тинчликни сақлаш, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш, иқтисодий интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш йўлида ўзаро бирдамлик, ҳамжиҳатликни ривожлантириш сингари қатор муҳим масалалар юзасидан якдил фикрга келинди.

Хулоса тариқасида шуни айтиш керакки, уч мустақил давлат раҳбарларининг Чўлпонота учрашуви, унда имзоланган ҳужжатлар, эришилган келишувлар бу жараённинг ҳаётий зарурат эканлигини ва бу йўлда янги қадамлар ташланажаклигини кўрсатди.

Воқеалар, хабарлар, лигиликлар

ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

1997 йил 31 июль куни пойтахтимиздаги Киночилар уйида Халқаро **«Наврўз»** ҳайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлими томонидан ташкил этилган **«Саҳоват»** ҳайрия **лотереясининг** ўйини ўтказилади.

КОНЧИЛАРНИНГ КАТТА НИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги олдидан

Конимиз республиканинггина эмас, айни вақтда, Ўрта Осиё кўмир саноатининг йирик корхонаси ҳисобланади. Бу зиммамиздаги вазифанинг масъулияти катта эканлигини кўрсатади. Мижозларимизнинг сон-саноғи йўқ. Айрим қўшни давлатларга ҳам «қора олтин» етказиб турамиз. Асосий буюртмачиларимиз эса электр станцияларидир.

Ҳозир бутун шаҳардаги каби кўмир разрезимизда ҳам мамлакатимиз мустақиллигининг олти йиллиги шарафига меҳнат кўтаринкилиги тобора авж олмоқда. Бутун жамоа, қолаверса, ҳар бир кончи бу қутлуғ санани муносиб совғалар билан нишонлашга интилмоқда.

Разрезимизни суви йўқ улкан ҳовузга ўхшатишади. Ҳақиқатан ҳам айрим жойларнинг чуқурлиги ер сатҳига нисбатан юз метрга яқинни ташкил этмоқда. Бамисоли зинапоялардек қатлам-қатлам бўлиб кетган конимизда кўмир қазиб чиқараётган, унинг устини очаётган ўнлаб экскаватор, бульдозер ва тракторлар, бошқа кончилик агрегатлари ишлаб турипди. «Қора олтин», тош-шағал ортидаги поездлар бир зум ҳам тиним билмайди. Конвейер йўлларида табиий бойликлар сувдай оқиб, махсус ҳажмли бункерларга тушиб, вагонларга ортилади. Ҳозир ҳар куни конимизда ўрта ҳисобда саккиз эшелон ёқилғи қазиб олиниб, буюртмачиларга жўнатилмоқда. Улар республикамизнинг барча вилоятларига йўл олаяпти.Умуман олганда кончиларимиз жорий йилда самарали ишламоқдалар. Топшириқлар кун сайин тўла ва ортиғи билан бажарилмоқда. Деярли ҳар сменада мўлжалдагидан ортиқча кўмир қазиб чиқарилляпти. Ўтган ойлар давомида мижозларга етказиб берилган «қора олтин»нинг жами ҳажми режадаги 1231 минг тонна ўрнига бир миллион 296 минг тоннага етди. Шунга яраша даромад ҳам ортмоқда. У беш ой ичида деярли 234 миллион сўмни ташкил этди. Бу режада назарда тутилганидан анча ортиқдир.

Бундай ютуқларга кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, мавжуд асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳисобига эришилмоқда. Муҳим омиллар қаторида ишчи-хизматчиларнинг ўз вазифасига нисбатан масъулияти ошганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бизда эгасизлик барҳам топди яъни ҳар бир кон техника воситасининг, у катта-кичиклигидан қатъий назар, аниқ соҳиби бор. У шу соҳибга бириктириб қуйилган. Ихтиёридаги шу техникадан ишчи қанчалик унумли фойдаланса, аввало ўзи шунча кўп наф кўради. Таъмирлашлараро муддатларни узайтиришига эришган ҳар бир кончи шунга яраша моддий рағбатлантирилади.

Техника воситаларидан унумли фойдаланишда касбдошларига намуна бўлаётган ўнлаб кончиларнинг исми-шарифини келтириш мумкин. Т. Эргаешв раҳбарлик қилаётган экскаватор машинистлари меҳнатидан жамоа мамнун бўлмоқда. Улар қудратли агрегатларни доим соз ҳолда сақлайдилар. Бўш қолсалар, дарҳол унинг ҳаракатланувчи, «нозик» қисмларини эринмай кўздан кечирадилар, камчилик, нуқсонларини аниқлашса, ўз кучлари билан дарҳол тузатадилар. Шунинг учун ҳам бу бригада аъзолари ҳар ойда топшириққа қўшимча минглаб тонна кўмирни думпкар вагонларга ортмоқдалар. Экскаватор машинистларидан Ю. Ҳакимов. А. Йўлдошев, Ш. Зийнатулин, электр чилангар А. Скрипник, созловчи Е. Серебряков, конвейер машинисти А. Мирзараимов, кон ишчиси Т. Анонов каби кончиларни ўз сафига бирлаштирган жамоамиз истиқбол сари комил ишонч билан одим ташламоқда.

Биз хорижий мамлакатлардаги ҳамкасбларимиз билан иқтисодий ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор бераяпмиз. Чунки, бу фақат фойда беради. Шу мақсадда Олмонияликлар билан алоқаларни йўлга қўймоқдамиз. Улардан кончилик асбоб-ускуналарини харид қилиш режаларимиз ҳам йўқ эмас. Айни вақтда Россиянинг кўмир саноати корхоналари жамоалари билан анъанавий ҳамкорликни янада ривожлантиришни ҳам унутганимиз йўқ. Яқинда вакилимиз улар ҳузурида бўлиб қайтди.

Унумли ва самарали меҳнат туфайли олаётган соф фойдамиз салмоқли бўлмоқда. Даромадга қараб буромад деганларидек, айниқса, мустақиллик йилларида ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга миллион-миллион сўм маблағ ажратяпмиз. Республикамиз Президентининг ташаббуси билан «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилинган жорий йилда бу масалага янада катта аҳамият билан қаралмоқда.

Аввалambор кончиларнинг иш ҳақи муттасил ошиб бормоқда. Корхонамизда икки минг нафардан ортиқ киши ишлайди. Уларнинг оладиган энг кам маоши уч-тўрт минг атрофида бўлмоқда. Етакчи касб эгалари эса етти-саккиз минг ва ундан ҳам ошириб иш ҳақи оляптилар. Бунинг устига турли байрамлар, тарихий саналар муносабати билан, йилнинг чораклари якуни бўйича мукофотлар бериш анъанага айланиб қолди. Бундан ташқари, айёмларда улар учун дастурхонлар ёзилади.

Кўмирчиларга турли хизмат кўрсатувчи бутун бир мажмуа инфратузилмаси яратилган. Одамларни уй-жой билан таъминлашга ҳар йили катта маблағ ажратилмоқда. Ҳозир ҳар бири 42 хонадонга мўлжалланган иккита кўп қаватли уйларни қуриш ишлари нихоясига етмоқда. Болалар боғчалари муаммоси деярли ҳал бўлган. Учта замонавий шундай маскан кўмирчиларнинг юзлаб жажжи фарзандларига хизмат қилмоқда.

Сўлим, ҳавоси мусаффо, суви зилол Нишбош қишлоғидаги саёҳат базамиз доим табиат ишқибозлари билан гавжум бўлади. Ишчи-хизматчиларга хизмат кўрсатиб, соғлиқларини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи тиббиёт муассасаларининг бутун бир мажмуи яратилган. Шаҳарда йирик шифохонамиз ишлаб турибди. У ҳар куни юзлаб беморларни қабул қилади. Профилакторий-сиҳатхонада бир вақтнинг ўзида юзга яқин ишчи-хизматчимиз саломатлигини мустаҳкамлаш имконига эга. Бу ерда физиотерапиянинг замонавий усуллари мавжуд.

Жамоамиз хайрия ишларида ҳам фаол қатнашмоқда. Ҳар йили шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ёрдам бераётирмиз. Жигаристон маҳалласини оталиққа олганмиз. 3-ўрта мактаб, 34-меҳрибонлик интернатини таъмирлаш ишлари моддий таъмин этилиши зиммамизда бўлди. Дурустгина ёрдамчи хўжалигимиз бор. Бу ерда қора моллар ва бошқа майда жонликлар боқилмоқда. Соғиб олинган сут, тайёрланган гўшт корхона ихтиёридаги боғчаларга, тиббиёт муассасаларига етказиб берилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллиги нишонланадиган тарихий сана тобора яқинлашиб келмоқда. Жамоамиз уни муносиб кутиб олиш учун ҳозирлик кўрмоқда.

Иброҳим ТЕНГЛАШЕВ,
Ангрен кўмир разрези директори.

1997 йил қурилишлари

«AVVA» БИЛАН БИРГАЛИКДА

Янгийўл шаҳрида турли уй-рўзғор буюмлари билан савдо қиладиган замонавий дўкон куни кеча ишга туширилди. Мустақилликнинг олти йиллиги арафасида шаҳарликларга совға қилинган бу савдо шахобчасини Жанубий Кореянинг ДЭУ компаниясига қарашли масъулият чекланган «AVVA» жамияти барпо этди.

— Биз дўконни очишдан олдин, — дейди унинг директори Алексей Кон, — шаҳар аҳолисининг талаб ва эҳтиёжларини пухта ўрганиб чиқдик. Шундан кейин уни барпо этишга қарор қилдик. Унда турли хил телевизорлар, видеомагнитофонлар, шу жумладан автомагнитофонлар, музлатгич ва совутгичлар, кир ювиш машиналари, чанг ютгичлар ва рўзғор учун керак бўлган бошқа мураккаб электр анжомлари сотилади. Барча буюмларга кафолат берилади ва харид қилганларга сервиз хизмати кўрсатиш ҳам уюштирилади.

Куни кеча янги дўконнинг очилиш маросими бўлди. Унда Янгийўл шаҳар ҳокими Ш. Қорабоев ва «AVVA» масъулияти чекланган жамиятнинг бош директор муовини Ли Ки Хенлар қатнашдилар.

Фотомухбиримиз Даврон АҲМАД ушбу суратларни дўконнинг очилиш маросимида тасвирга туширган.



КОРХОНАДА ... ТОВУҚ ФЕРМАСИ

ЗАНГИОТА туманида янги ишчи ўринларини яратиш бўйича белгиланган режалар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мавжуд корхоналар, хўжаликларда қўшимча ишлаб чиқариш бўлинмалари ташкил этиляпти. Бундан ташқари, кичик ва хусусий корхоналар очилмоқда. Якка тартибда меҳнат билан шуғулланувчилар сони кўпаймоқда.

Яқинда тумандаги «Сирғали» жамоа корхонаси ишчи-хизматчилари сафига 15 нафарга яқин фуқаро қўшилди. Бу ерда янги ишчи ўринлар ташкил этилди. Колбаса ишлаб чиқарувчи цех фойдаланишга топширилди. У ўзининг дастлабки маҳсулотини берди. Бу ерда бир кеча-кундузда беш тоннагача шундай қимматли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланади. Унинг турлари эса 8 тагача боради.

Бундан ташқари, корхонада товуқ фермаси ҳам барпо этилди. Ҳозирнинг ўзидаёқ унда 5 мингта паррандa боқилмоқда.

М.МАҲМУДОВ.

ЯНГИ УЙ ҚУРМАЙ ТУРИБ, ЭСКИСИНИ БУЗИБ БЎЛМАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН мустақиллигининг дастлабки йилларида Президент Ислом Каримов айтган бу сўзларда теран фалсафий фикр ифодаланган бўлиб у давлатимиз ички ва ташқи сиёсати пойдеворининг тамал тошига айланди, мамлакатда амалга оширилаётган улкан ишларининг ўзига хос мафкуравий асоси бўлиб қолди. Ёдингизда бўлса, Президентимиз бу гапларни айрим янги мустақил давлатларнинг раҳбарлари «ҳамма нарсани таг-тубигача бузиб ташлаб», шундан кейингина биз тўғри иш қилдикми, деб ўйлаётган пайтда айтган эди.

Энг доно сиёсатчиларгина ўтмишдан тўғри хулоса чиқариб олдилар. Улар ўтмишни таҳлил қилиб, сарасини сарага, пучини пучакка чиқариб, ундан энг яхши томонларини ажратиб оладилар ва келгусида қандай йўлдан боришни аниқлаб, танлаб олган бу миллатнинг гуллаб-яшнашига олиб келишига, кундалик самарали ишлари билан ўз халқини ва жаҳон ҳамжамиятини ишонтира олдилар. Мустақил Ўзбекистон раҳбарияти, Президент Ислом Каримов айни шундай сиёсатни ўтказишнинг ёрқин намунасини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон — Ватаним маним

Мамлакатимиз мустақиллик туфайли дунёни таниди ва ўзи ҳам бутун жаҳон ҳамжамиятига танилди. Ҳозирги вақтда жаҳондаги ривожланган мамлакатлар Ўзбекистон билан самарали ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилмоқда. Кўпгина давлатлар республикамиз билан алоқа ўрнатишдан манфаатдордир. Тошкентда бир қанча хорижий элчихоналар, халқаро ташкилотларнинг, шу жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ваколатхоналари ишлаб турибди. Бундан ташқари, ҳеч қандай ларзаларсиз ва «шол қилиб даволамай туриб» аҳолини ижтимоий жиҳатдан кучли ҳимоя қиладиган иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши республика раҳбарияти танлаб олган йўлнинг тўғрилигини тасдиқламоқда.

Давлатимиз мустақилликнинг олти йили мобайнида ўз ёрқин истиқболига қатъий ишонган ҳолда, собитқадамлик билан ҳормай-толмай қилинаётган меҳнат туфайли олға томон ҳаракат қилишда салмоқли натижаларга эришди. Бу аввало, ўз фуқароларини ижтимоий муҳофаза қилиш чоратадбирлари, мамлакатдаги тинчлик, барқарорлик ва миллатлараро тотувлик, одамлар ўтиш даври қийинчиликларини яхши англаб, амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок қилаётгани, уларнинг Ўзбекистон танлаб олган йўл — тараққиёт ва умуммиллий равнақ йўли эканига қатъий ишончидир. Мамлакат раҳбарияти барпо этган ана шу мустаҳкам пойдевор туфайли республикада иқтисодий соҳада ҳам, ижтимоий-сиёсий соҳада ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Тараққиёт сари одимлаётган республикамиз ҳозирги ривожланган мамлакатлар ўнлаб йиллар давомида эришган натижаларни жуда қисқа муддатларда қўлга киритмоқда. Мисол учун, Андижон вилоятининг Асака шаҳридаги Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма автомобилсозлик заводини олиб кўрайлик. Уни қуришга яқиндагина киришилган эди. Бугун эса, Ўзбекистон автомобил саноати тўнғич корхонасининг кулай, енгил автомобиллари ва микроавтобуслари фақат ички бозордагина эмас, Россия, Марказий Осиё ва бошқа минтақалардаги мамлакатлар бозорларида ҳам чаққон сотилмоқда.

Замонавий автомобиллар ишлаб чиқарадиган давлатга айланган Ўзбекистон эришилган ютуқлар билан чекланиб қолаётгани йўқ. Мамлакат раҳбарияти бу тармоқни ҳар томонлама янада ривожлантириш юзасидан самарали чораларни кўрмоқда. Яқин келажакда автобуслар, юк автомобиллари, моторлар, бутловчи узеллар ва деталлар, эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарадиган корхоналар қад кўтаради. Демак, улар ва турдош корхоналар энг замонавий ускуналар ва технологиялар билан таъминланади, минглаб янги иш жойлари барпо этилади, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси жадал ривожланади.

Нефт, газ тармоғи ҳам яхши ривожланмоқда. Яқиндагина газ конденсатини қайта ишлайдиган Кўкдумалоқ заводи ишга тушди. Қўнғиротда Марказий Осиёда ягона сода заводи қурилмоқда. Қизилқумдаги олтин конларини айтмайсизми?! Шу конларни ўзлаштириш туфайли Ўзбекистон мустақиллик йилларида жаҳондаги олтин қазиб чиқарувчи етакчи давлатлар сафидан жой олди...

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча тармоқларида янги корхоналарни қуриш ва эски корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш юзасидан жуда катта иш қилинди. Республикада ўнлаб янги саноат корхоналари барпо этилди. «Зарафшонньомонт» қўшма корхонаси ва бошқалар шулар жумласидандир. Бир қанча завод ва фабрикалар қайта қурилди.

Шаҳарларда, туманларда, вилоятларда ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида қуввати ҳам турлича юзлаб корхоналар барпо этилмоқда. Кўп укладли иқтисодиёт вужудга келмоқда, мулк эгалари тоифаси барпо бўлмоқда, бозор муносабатлари қарор топмоқда...

Коммунистик империянинг чет ўлкаларига бюджетнинг қолдиғигина ажратилган «ривожланган социализм» даврида бундай улуғвор ишларни амалга ошириб бўлармиди? Йўқ, албатта! Ўша машъум даврда бошқалар биз учун қарорлар қабул қилишарди, биз учун режалаштиришарди, биздан сўрамай меҳнатимиз натижаларидан фойдаланишарди. Биз эса буни кейин пайқаб қолардик. Фақат мустақиллик, Президент раҳбарлигида мамлакатимиз ҳукумати ўтказаётган доно сиёсат Ўзбекистонга, унинг меҳнатсевар кўп миллатли халқига ўз тараққиёт йўлини танлаб олиш имконини берди. Бу йўлнинг тўғрилигини жаҳон ҳамжамияти эътироф этган. Халқимиз шу йўлдан бориб, муваффақият билан келажаги буюк давлатни барпо этмоқда. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўтказилаётган ислоҳотлар, тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик сиёсати ҳаётбахш натижалар бермоқда.

Ўзбекистон ўзи танлаб олган йўлда ютуқларга эришмоғи учун барча зарур имкониятларга эга. Бу — аввало халқнинг сержило истеъдоди, мамлакатнинг улкан ишлаб чиқариш салоҳияти, ер ости бойликлари, табиат ресурслари ва ниҳоят, бизнинг ўз мамлакатимизни жаҳоннинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлари сафида кўриш истагимиздир.

Платон ДЮГАЙ,
ЎзА шарҳловчиси.

ЙИГИРМА БИРИНЧИ АСР КИМЁГАРЛАРИ

ОЛИЙ ўқув юртимизга бу йил кирган талабалар янги асрнинг биринчи йилида бакалавр дипломига эга бўладилар. Улар мамлакатимиз кимё, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар, цех, кичик фирмалар ва агрокомплексларга ишга йўлланма оладилар. Олий ўқув юртини илгаригига ўхшаб беш йилда эмас, балки, тўрт йилда тамомлаб чиқадилар. Бу маълум даражада ривожланган, илғор давлатлар эришган ва ҳозирги кунда амалиётда қўлланилаётган мутахассислар тайёрлашга ўхшаб кетади.

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос йўли ҳисобга олинган ҳолда иш кўрилиши талабаларни ўқитиш, ўргатиш, билимини мустаҳкамлаш соҳасида эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш билан қўшиб олиб боришни тақозо этади. Республикамизнинг ўзига хос иқлим шароитлари, минерал бойликлари ва уларни қайта ишлашдан ҳосил бўлувчи хом ашё маҳсулотлари, иккиламчи материаллари ҳамда чиқиндиларини ишлатиш; пахта толаси сифатини яхшилаш, олинаётган мой сифатини тамоман юқори сифат даражаларига кўтариш, мевачилик, шаробчилик, консерваласш, гўштни қайта ишлаш каби қатор соҳаларни ривожлантириш бўлажак бакалаврлар зиммасида бўлади. Бунинг учун энг илғор технологияларни билиш, янги ускуна ва жиҳозларни ўрганиш ва уларни амалда қўлланишни чуқур билиш керак бўлади. Бу масъулиятли вазифани амалга оширишда институтимиз ходимлари корхоналар раҳбарлари, бош мухандислари, лойиҳачилари билан ҳамкорликни кучайтириб юбордилар. Яқинда институтимизда мана шундай зарур ва долзарб муаммоларни биргаликда ҳал қилиш мақсадида республика озиқ-овқат ассоциациялари раҳбарларининг маслаҳат йиғини бўлиб ўтди.

Мазкур йиғинда республика Олий таълим вазири О. Салимов йиғилганларга олий ўқув юртларида ўтказилаётган ислоҳотлар, янги ўқув юкламаларига ўтишдаги муаммо ва қийинчиликлар ҳамда уларни жаҳон андозалари даражасига кўтариш учун бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида гапирди. Республика гўшт-сут акционерлик жамоаси раиси Х. Муталов ўз ташкилотида ишлаётган 60 ҳодимнинг 25 таси соҳанинг янги технологиясини ўрганиб олиш, янги техника олиб келиш ва уларни корхоналарда ўрнатиш, соҳани компьютерлаштириш каби ишлар билан машғуллигини маълум қилди. Лекин, соҳа учун кадрлар тайёрлаб берувчи Тошкент кимётехнология институти гўшт-сут технологияси кафедраси ҳамон эски услубда ишлаётганлиги, дипломлар эса бутунлай ишдан чиққан ва корхоналардан олиб ташланаётган жиҳозлар устида бажарилаётганлиги танқид қилинди. Янгилик билан қуроллаанмаган ёш мутахассис ҳозирги кунда ишга ярамай қолиши турган гаплиги айтилди. У институт ўқитувчиларига ёрдам кўрсатиш, зарур бўлса, моддий жиҳозларни янгилаш бўйича ҳам зарур чораларни кўришини билдирди. Худди шундай фикрларни «Ўзмойёғтамакисаноат» раиси А. Жамолов, «Ўзмевасабзавот» раиси Б. Носиров, «Ўзбекнефтгаз» раиси ўринбосари А. Раҳимов ва бошқалар ҳам билдиришди.

Тошкент вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси Т. Эргашев, қотишмалар бўйича ташкилот раҳбари П. Мақсудов, «Ўзкимёсаноат» раиси ўринбосари Р. Ёқубов, Чирчиқ, Олмалиқ, Янгийўл, Оҳангарон ва Тошкент вилояти агросаноат корхоналари вакиллари кадрлар тайёрлашда тамоман янги йўлларни излаш, билимдон, ишбилармон ёшларни етказиш лозимлигини уқдирдилар. Улар ўқув бошлангунга қадар ўз корхоналарига керак бўладиган ўқув дастурларининг таҳминий мазмунини тайёрлаб бериш, амалиётда талабалар нималарга аҳамият беришини кўрсатиб беришлари ва умуман бўлажак бакалаврлар тайёрлаш ишида фаол қатнашиш истакларини билдиришди. Натижада янги ўқув йилигача келажак асрда ишлайдиган кимёгар бакалаврлар учун кенг қамровли дастурлар ишлаб чиқилиши, саноатни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш, ҳамма ерда ЭҲМ хизматларини кенг йўлга қўйишда ёрдамлашишга келишиб олинди. Институт жамоасига кимёгар кадрлар тайёрлашни янада юқори поғоналарга кўтариш, магистратура ва аспирантура ҳамда докторантурани кенгайтиришни ўйлаб, «Ҳомийлар кенгаши» тузилди. Унга раис қилиб «Ўзмойёғтамакисаноат» раиси Азамат Жамолов сайланди. У ўзи бошчилик қиладиган «Ҳомийлар кенгаши» жамғармасига уч миллион сўм пул ўтказиб беришни ваъда қилди, ўзга ташкилотлар раҳбарларини ҳам шундай саховатли ишга даъват қилди.

Олий ўқув юртимиз мураббийлари биргалашиб, анорганик кимё, органик кимё ва физик кимё фанларининг бакалавриат бўйича билим олувчи ва бутун республикамиздаги олий техника ўқув юртлари фойдаланишлари мумкин бўлган дастурларни ишлаб чиқишди ва нашрдан чиқаришди. Ўзбекистон Фанлар Академияси мухбир аъзоси, профессор Ҳ. Рустамов «Физик кимё», Р. Сайфутдинов билан А. Жалилов «Умумий кимё» дарсликларини ёзиб тугатишди. Доцент, М. Миркомилова биринчи бор давлат тилидаги «Аналитик кимё» ўқув қўлланмасини нашрдан чиқариб, савобли иш қилди. Ана шундай муҳим ишларни озиқ-овқат саноати куллиётида хизмат қилиб турган профессор ва ўқитувчиларимиз ҳам амалга оширадилар деган ният билдириб қоламизки, буни талабаларимиз интиқиб кутмоқдалар.

Кези келганда бир муаммони кўтаришни бурчим деб биламан. Олтмишинчи йилларда академик М. Т. Ўрозбоев ташаббуси билан Чирчиқ шаҳрида Тошкент политехника институтининг филиали ташкил этилган эди. У салкам ўттиз йил давомида кўпгина кадрлар етказиб берди. Кимёгар муҳандислар, балки, механиклар, энергетиклар, машинасозлар тайёрланди. Лекин, нима бўлди-ю, ўтган йили кимнингдир «таклиф»и билан олий ўқув юрти коллежга айлантирилди. Ваҳоланки, у ерда қатор фан докторлари, профессорлар, анчагина фан номзодлари, доцентлар, ўқитувчилар ишлаб турганди. Менимча, колеж ўрнида кадрларга бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда етук бакалаврлар тайёрловчи олий ўқув даргоҳини қайта тиклаш зарур.

Кудрат АҲМЕРОВ,
Тошкент кимё-технология институти кафедра мудири, кимё фанлари доктори, профессор.

Миллий дастур: кадрларимиз қандай бўлиши керак?

...КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР

Ҳар йили помидор ҳосили айни пишиб етилган пайтда маҳсулотни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш анча муаммоли иш бўлиб қолади: Янги Тошкент консерва заводи мутасаддилари «Олдиндан аванс учун пул ўтказишга қийналяпмиз, шартномани бажара олмайдиганга ўхшаймиз» дейишса, деҳқонлар хуноб бўлишиб «нега лабзингизда турмайсизлар, ахир бу маҳсулотнинг аксарият қисмини сизлар оласизлар, деб етиштирганмиз-ку» деб эътироз билдиришади.

Икки ўртада вақт ўтади, баъзан не-не машаққатлар билан етиштирилган маҳсулотнинг бир қисми нобуд ҳам бўлади.

Куни кеча Қибрай туманида янги Тошкент консерва заводи мутасаддилари, мутахассислари, туман ҳокимлиги мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шу долзарб масала муҳокама этилди. Давра суҳбати қатнашчилари муаммони амалда ечишга қаратилган кўпгина фойдали мулоҳазаларни билдирдилар, таклифлар ўртага ташланди. Хуллас, имконият қидирилди ва у топилди.

Янги Тешкент консерва заводи олинажак маҳсулот учун олдиндан 5 миллион сўм пул ўтказди. Бу пул 10 та хўжалик ўртасида тақсимланадиган бўлди. Шундай қилиб, ишлар анча юришиб кетди. «Бўри ота», Туроб Нормуҳамедов номли, «Дўрмон» ва бошқа жамоа хўжаликларининг деҳқонлари заводга биринчилардан бўлиб маҳсулот топширишни бошлаб юбордилар. Завод ҳар куни 100-150 тонна маҳсулот қабул қила бошлади.

Нодир ИСАЕВ.

Ғалла мустақиллиги учун

«КАТАРПИЛЛЕР», «МАГНУМ» ВА «КЕЙС»

«ЎЗБЕКИСТОН беш йиллиги» фермерлар уюшмаси айни пайтда тажриба-намуна хўжалиги ҳамдир. Бу ерда янги техника деҳончиликда ишлаб чиқариш тажрибаси ва синовидан ўтказилиб, тегишли баҳосини олади. Ўтган йили хўжалик пахтазорларида 4 та тўрт ва икки қаторли «Кейс» терим агрегатлари синаб кўрилган эди. Бу йил ер ҳайдайдиган «Кейс», «Массиф — фепоссон», «Катарпиллер» тракторлари ҳам синчков деҳқонларнинг кўригидан ўтди ва унумли ҳамда сифатли ишлайдиган техника деб топилди.

Айниқса, хўжалик ғаллазорларида синаб кўрилган битта «Фергюссон»га ва 2 та «Дон-1500» комбайнлари ўзининг кучлилиги, қулайлилиги ва юксак иш унуми билан яхши баҳо олди.

Хўжалик 2100 гектар майдондан ўриб ва янчиб олган 6340 тонна ғалланинг 6016 тоннасини давлатга сотди. Бу режадагидан минг тонна кўпдир. Бу натижага эришишда юқоридаги комбайнларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Раҳим ҚОДИРОВ.

«СОЙЛИҚ» БУҒДОЙИ

ЯҚИНДА Бўстонлиқ тумани ғаллакорлари қувончли натижага эришдилар. Улар ғалла бўйича давлат топшириғини адо этдилар. Лекин, айни кунларда режадан ошиқча ҳосил етказиб бериш ниятида меҳнат қилаётган миришкор деҳқонлар ҳамон далаларда тер тўкиб ишламоқдалар. «Сойлиқ» жамоа хўжалиги аъзолари ҳам ана шундай кишилар сирасига киради.

Мазкур хўжалик бош идорасида айни кунларда раҳбарларни учратиш қийин. Уларнинг ҳаммаси далада. Кузнинг мўл-кўл хирмонини бунёд этиш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар. Мана бугун — жамоа хўжалиги раиси Тоҳир Ҳомидов, бош ҳосилот Абдукарим Миртолипов, муҳандис Бахтиёр Солиевлар комбайнчилар Фахриддин Халимбоев, Баҳром Беркиновлар ишлаётган буғдойзорга келдилар. Йигитларнинг ғайрат-шижоатига қойил қолган Т.Ҳомидов улар эришган ютуқлардан хурсанд эканлигини яширмади. Чунки, бу комбайнчилар бутун мавсум давомида пешқадамлар сафида бўлдилар.

«Сойлиқ» жамоа хўжалигининг экин майдонлари ўзига хос қияликларда жойлашган. Айниқса, 250 гектар ердаги лалми қирларда ҳосил етиштириш ва комбайнларни юргазиш осон бўлмади. Лекин, ижарачилар баҳорда режалаштирган марраларини эгалладилар. Ҳар гектар ердан 30-35 центнерга етказиб хирмон кўтардилар.

— Ишларимизнинг унумли бўлишида ғаллакорларга яратиб берилган қулай шарт-шароитлар ҳам алоҳида роль ўйнади, — деди бош ҳосилот А.Миртолипов, — чунки, яхши дам олган ғаллакор яхши ишлайди. Уларни иссиқ таом, мева-чева, сув, чой билан таъминлаб туришда ҳеч бир узилишларга йўл қўймасликка ҳаракат қилдик. Қийинчиликлар ортда қолди, ҳозир давлат режасига қўшимча ғалла топширмоқдамиз.

...Ҳа, режани бажармоқликнинг ўзига хос қувончи бор. Бугун «Сойлиқ» жамоа хўжалигида ғалла ўрим-йиғими ниҳоясига етмоқда. Эндиликда сабзавот ва бошқа экинлар ҳосилини йиғиштириб олишга асосий эътибор қаратилмоқда. Такрорий экинлар экишга тараддуд ҳам кўрилмоқда. Ер ҳайдаётган тракторларнинг узоқдан келаётган овози ана шундан далолат бериб турипти.

Абдураҳим УМАРБЕКОВ.

СУРАТЛАРДА: (юқорида, чапдан ўнгга) муҳандис Б.Солиев, бош ҳосилот А.Миртолипов, комбайнчилар Ф.Халимбоев ва Б.Беркиновлар ғаллазорда; буғдой бошоқлари мана шундай бўлиқ бўлди; комбайнлар ҳамон тиним билмайди.

Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

САҲИЙ ЁЗНИНГ БИР КУНИ

Вилоятимиз боғ-роғларида

Чилланинг қайноқ кунлари соҳибкорларга ҳам қўл келяпти. Боғларда мева-чевалар ширага тўлиб ғарқ пишмоқда. 800 гектар боғ-роғларга, минг гектардан кўпроқ токзорларга эга бўлган М. Отажонов номли агрофирма боғбонларининг қўли-қўлига тегмайди. Бир ёқда узум шира боғлаб, олма, шафтоли ва олхўри пишди.

— Бу йил мева йили бўлди, — дейди агрофирманинг бош раҳбари Абдулла Отажонов. — Ҳар гектар боғдан 10 тоннадан олма, 10 тоннадан узум узишни мўлжаллаяпмиз.

Агрофирмадаги барча боғлар 146 оилага тақсимлаб, ижарага берилган. Бошқарув улар билан ўзаро манфаатли шартнома тузган. Жумладан, Карим Йўлдошев 9 гектар токзорнинг ҳар бир гектаридан 15 тоннадан узум топшириб, қолган ҳосилни ўзи тасарруф қилади. Боғбон шу пайтгача хўжаликка гектаридан бир неча тоннадан ширин-шакар узум етказиб берди. Ҳосил эса ҳали кўп.

Хўжаликда ижаранинг яна бир тури вужудга келди. Ижарачилар агар истасалар, ўзаро бирлашиб, ҳамкорликда меҳнат қиладилар. 20 ижарачини ва уларнинг 330 гектар боғини ўз таркибига олган «Дўстлик» ширкати шу тарзда вужудга келди. Уларга тажрибали боғбон Ажимелек Урмиева раҳбарлик қиляпти. Ширкат агрофирма билан ҳар гектар ердан 10 тоннадан мева топшириш ҳақида шартнома тузиб, ортган ҳосилни келишилган нархда сотади. Хўжалик эса ижарачиларга ўғит, зараркунанда ҳашаротларга қарши ишлатиш учун кимёвий моддалар, техника учун эҳтиёт қисмлар етказиб беради.

Ижарачилик эркин ва мустақил тарзда меҳнат қилишнинг самарали усули бўлганлиги ва яхши натижа бераётганлигини ҳисобга олиб хўжалик бошқаруви ғаллачилик соҳасида ҳам шу усулни қўллади. 400 гектар ғалла майдонлари 33 ижарачига бўлиб берилди. Улар экинни серҳосил қилиб ўстиришди. Ижарачи Ю Хе Син 59 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан, жами 175 тонна буғдой топшириб, шартнома шартларини бажарди. Ортиб қолган ҳосилни эса меҳнат ҳақи сифатида ўзида олиб қолди. Турсун Алимов эса 32 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан дон топширди. Хўжалик бўйича режадаги 800 тонна ўрнига давлатга 1150 тонна дон етказиб берилди.

Даромадга қараб буромад бўлади. Агрофирма жойлашган 6 та қишлоқ аҳолиси сув, табиий газ билан тўла таъминланган, кенг, равон кўчаларга асфальт ётқизилган. Бир пайтлар маблағ бўлмаганлиги сабабли ёпилиб қолган санаторий-профилакторийни қайта очиш учун тайёргарлик кўриляпти. Орадан кўп ўтмай соҳибкорлар қишлоқ поликлиникасининг йўлланмаси билан бу ерга келиб, соғлиқларини тиклаб олиш имкониятига эга бўладилар.

Эндиликда хўжаликнинг ўз тадбиркор ва мулкдорлари пайдо бўлиб, хусусий кичик корхона ва цехлар очиш оддий воқеага айланиб қолди. Шу пайтгача қурилиш материаллари ишлаб чиқариладиган «Навбаҳор» корхонаси, новвойхона, тикувчилик цехлари ишлаб турибди. Агрофирма вино заводи технологиясини янгилаш тараддудини ҳам кўряпти. АҚШнинг «Миссисипи» ҳамда Италиянинг «Фата-группа» фирмалари билан тузилаётган шартномалар асосида келгусида амалга ошириладиган ишлар четга хом ашё ўрнига жаҳон андозалари даражасида тайёр маҳсулотларни чиқариш имконини беради.

... Пишиқчилик. Элимизда «Кузнинг ҳар бир куни йилга татийди» деган нақл бор. Йўқ, соҳибкорлар учун кузнинг эмас, балки ёзнинг ҳар бир куни йил маҳсулини бериб, боғбоннинг ҳамёнини тўлдириб, рўзғорига қут-барака киритаяпти.

Рафиқ ТУРСУНОВ, Қуйичирчиқ тумани.

СУРАТЛАРДА: ижарачи Карима Мамутова ва Рустам Исроилов олма теримида.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ТАКРОРИЙСИ СЕРҲОСИЛ БЎЛАДИ

ҒАЛЛА мавсуми ниҳоясига етай деб қолди. Эндиги вазифа бўшаган майдонларни пешма-пеш тайёрлаб, тезроқ такрорий экинлар билан банд қилиб олишдан иборат. Бу соҳада аллақачоноқ қизғин иш бошлаб юборилди. Ҳар бир даланинг тупроқ шароитига қараб, қайси экинни жойлаштириш белгилаб олинди.

Бу йил вилоят бўйича 25 минг гектар майдонга кўкпоя учун маккажўхори экилади. Шунингдек, 8 минг гектар майдонда кечки сабзавотлар: бодринг, сабзи, карам ва бошқа экинлар етиштирилади. Техника ва бошқа воситаларни тахт қилиб қўйган жамоалар такрорий экин экишда кун сайин яхши натижага эришмоқдалар. Зангиота, Ўртачирчиқ туманларида олиб борилаётган ишлар бунга мисолдир.

— Сизларда иш қандай боряпти? — сўраймиз Тошкент тумани деҳқончилик ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Маҳамаджон Эшоновдан.

— Ниятимиз такрорий экинларни экиб олиш ва улардан баракали хирмон кўтаришда ҳам биринчи бўлиш. Бу соҳада Охунбобоев номли, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли, «Ўзбекистон», «Тошкент» ва Тўлабий номли жамоа хўжаликлари олдинда бормоқдалар.

— Такрорий экинлар ҳосилининг баракаси нимага боғлиқ?

— Белгиланган майдонларга бу хилдаги экинларни экиб олишни тугаллашни 5 августдан кечиктирмаслигимиз керак. Мақсад шуки, уруғликни чилла сувига ундириб олиб, олди майдонлардаги кўзга ташланиб қолган сабзавотларни оби-ҳаётга қондиришдир. Ундан кейинги тадбирларни ҳам маромида ўтказсак, албатта, ҳосил салмоқли бўлади.

Носир РИХСИЕВ.

БОЗОР иқтисодиёти муносабатларига ўтилиши натижасида шаҳар уй-жой хўжалиги барча турар-жойларни ўз тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштирди. Шундан кейин 43-таъмирлаш қурилиш участкаси ўзининг бош буюртмачисидан ажралиб қолди, икки ўртадаги ҳамкорлик барҳам топди.

Инсон манфаатлари йили

ШАРТНОМАЛАР ИШЛАЯПТИ

Бу ҳолат жамоа олдига янги муаммоларни қўйди. Участкани сақлаб қолиш учун янги буюртмачилар топиш лозим бўлиб қолди. Акс ҳолда участка тугатилиб, ишчи-хизматчилар беиш қолишлари мумкин эди. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмасди. Шунинг учун участка маъмурияти янги буюртмачиларни қидиришга киришди.

Участка таъмирловчилари шартномалар асосида Бекобод шаҳрида катта ҳажмдаги ишларни амалга оширдилар. Шаҳар иссиқлик таъминотига қарашли қувурларни ҳимоя воситаси билан қоплаш ва айрим йўналишларда тузатиш бўйича 400 минг сўмликдан ортиқ иш бажарилди. «Суюқава» ишлаб чиқариш бошқармасининг қатор бинолари таъмирлаб берилди. Сув иншоотларини тузатиш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Шаҳар темир йўл станцияси маъмурияти билан ҳам таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича шартнома тузилди. Бинокорлар станциядаги қатор биноларга жило бердилар. Қисқа муддатда 500 минг сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жамоа шаҳардаги марказий бозорни қайта қуриш ва ободонлаштиришга салмоқли ҳисса қўшди. Б. Норбоев етакчилигидаги ғишт терувчилар бу ерда қатор объектларни миллий меъморчилик анъаналари асосида қайта қурдилар. Ҳозирги кунларда ҳам шаҳардаги қатор биноларни таъмирлаш ишларини олиб бормоқдалар.

Бу билан республикамиз мустақиллигининг олти йиллиги шарафига олиб борилаётган ободонлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Участка жамоаси олинаётган даромаднинг муайян қисмини ишлаб чиқариш базасини кенгайтиришга сарфламоқда. Яқинда бу ерда асфальт тайёрлаш қурилмаси фойдаланишга топширилди. Махсус лой қоришмалари тайёрлаш тармоғи ҳам барпо этилди. Бу таъмирлаш ишларида зарур бўладиган айрим бинокорлик материаллари таъминотини яхшилади.

Участканинг ёрдамчи хўжалиги ҳам ишлаб турибди. Ўтган йили Бекобод туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигидан 2 гектар қаровсиз қолган майдон олинган эди. Бу ер текисланиб, биринчи йилиёқ унда маҳсулот етиштирилди. Жумладан, мош ва сабзи экилди. Олинган ҳосил ишчи-хизматчилар ўртасида бепул тарқатилди.

Абдумурод АШУРОВ, Абдураҳим БОБОНОНАЗАРОВ, Бекобод шаҳри.

ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

● **ХИТОЙ Халқ Республикаси мамлакат тарихида қўлланилмаган масалага қўл урди. Гап шундаки, ХХР ҳукумати махсус қарор қабул қилиб, мудофаа саноатини чет эл инвесторлари учун очиқ, деб эълон қилди. Янаги йил май ойида Пекинда бўладиган ҳарбий техника ярмаркасига хорижлик электрон жиҳозлар етказиб берувчилар ҳам таклиф этилди.**

● ДУШАНБЕ шаҳрида Тожикистон Халқ Партиясининг қурултойи ўз ишини якунлади. Унда делегатлар ушбу партия номини Тожикистон Халқ Демократик партияси деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Янги партияга Тожикистон Олий Мажлиси Раисининг биринчи муовини Абдумажид Дўстиев раҳбарлик қилади.

● **ЖАҲОН банки Озарбайжонга иқтисодий ислоҳотларни фаоллаштириш учун 70 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди. Мазкур банк ҳузуридаги Халқаро Тараққиёт Уюшмаси етказиб берадиган маблағлар Озарбайжонда эркин рақобат муҳитини шакллантириш, фаолият соҳаси нефтни қайта ишлаш саноатига боғлиқ бўлмаган тадбиркорлар ишини ривожлантиришга сарфланади.**

● АҚШ президенти Билл Клинтон Олмония президенти Р. Херцог билан учрашди. Унда Босния ва Херцеговинада тинчликни сақлаш доирасидаги ишларнинг бориши ҳақида фикр юритилди. Шунингдек, президентлар учрашувида Украинада ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ва бу мамлакат билан НАТО ўртасидаги муносабатларни янада яхшилаш билан боғлиқ масалалар ҳам ўртага ташланди.

● **АФҒОНИСТОНДА «Толибон» ҳаракатига қарши бирлашган кучлар мамлакат пойтахти Кобул томон юришларини давом эттирмоқдалар. Шиддатли ҳужумларга бардош бера олмаган «толиб»лар Кобул яқинидаги тепаликлар ҳамда Шакар-дара шаҳарчасини ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Эрон матбуоти эълон қилган хабарларга қараганда жанглар давомида асирга олинган «толибон»чилар орасида бир неча Покистон фуқароси, шунингдек, «Толибон» ҳаракати раҳбарларидан бўлмиш Мулла Азиз ва Мулла Ёрмуҳаммад Шафақнинг жасадлари топилган.**

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

"МИР" ТАҚДИРИ ҲАМОН ҚИЛ УСТИДА

МАЪЛУМКИ, икки ойга яқин муддатдан бери Россиянинг коинотда кезиб юрган фазовий «Мир» станцияси тақдири ҳамон номаълум бўлиб турипти. Ҳалокат фазогирлар истиқомат қиладиган мазкур станцияга юк олиб чиққан «Прогресс М-34»нинг «Мир» билан тўқнашиб кетганлигидан бошланди. Натижада, 20 тонналик «Спектр» модулига қаттиқ зарар етди, у тешилди ва ҳавосиз ҳолга келди.

Парвозни кузатиш маркази ходимлари қаттиқ саросимага тушиб қолдилар. Нима қилиш керак?! Аввало, коинотдаги ҳозирги гуруҳ раҳбари Василий Циблиев очиқ фазога чиқиб, таъмир ишлари билан шуғулланмоғи лозим, деган қарорга келинди. Шу мақсадда «Прогресс М-35» юк кемаси учирилди. У «Мир»да ишлаётган фазогирлар ҳаётини сақлаб қолиш, станциянинг ўзини бир қадар ижобий ҳолатга келтириш мақсадида станцияга 260 килограмм илмий жиҳозлар, 405 килограмм асбоб-ускуналар, 331 килограмм озиқ-овқат, 306 килограмм сув, 50 килограмм кислород ва ҳоказо — жами 2 тоннага яқин юк етказди.

Аввалги режага кўра 17 июлдан 18 июлга ўтар кечаси фазогирлар В. Циблиев, А. Лазуткинлар очиқ фазога чиқишлари ва таъмирлаш ишлари билан машғул бўлишлари лозим эди. Бу пайтда АҚШ астронавти Майкл Фоэл станцияга туташтирилган «Союз» аппаратида ўтириши ва қалтис вазият туғилса, ерга қайтиб тушиши мўлжалланди. Бироқ бахтга қарши, ўша кунлар арафасида В. Циблиевнинг саломатлиги ёмонлашди. Унинг юраги бежо ура бошлади. Бу ҳолатда таваккал қилиш мумкин эмас эди.

Ниҳоят «Мир»ни таъмирлаш навбатдаги гуруҳ чекига тушди. Ҳозирги режалаштиришга қараганда, август ойининг бошларида П. Виноградов ва А. Соловьевлар ана шу вазифани адо этиш учун «Мир» томон парвоз қиладилар. Аввал келишилганидек, франциялик фазогир Леопольд Эйартснинг учиши бекор қилинди.

Айни кунларда коинот билан тиғиз шуғулланаётган мамлакатлар олимлари «Мир» тақдири билан ғоят қизиқмоқдалар. Улар деярли ҳар куни Москва ва Бойқўнғир космодромига телефон қоқишиб, умумий аҳволдан бохабар бўлиб турибдилар. Ҳозирча умумий фикр шундай: фазогирлар «Мир»га чиқадилар ва унинг шикастланган «Спектр» модулини таъмирлайдилар. Шу тариқа ўн йилдан буён осмонда учиб юрган станция фаолияти давом эттирилади.

БУ ДУНЁНИГ ИШЛАРИ

● НИГЕР республикаси ҳаётида кейинги ойлар ниҳоятда хавфли бўлди. Қурғоқчилик авжига чиқди, аҳвол шу тарика давом этадиган бўлса, мамлакатда очарчилик бўлиши тўрган гап эди. Яқинда бутун халқ президент бошлиқ Аллоҳдан оби-ҳаёт ёғдириш тўғрисида илтижо қилиш учун масжидларга тўпландилар. Тоат-ибодат маросимлари микрофонлар орқали бутун давлатга ёйилди. Буни қарангки, бироздан сўнг осмонлаб ёға бошлаган ёмғир жалага айланди. Энди одамлар уни тўхтатиш ҳақида Аллоҳга ёлбора бошладилар.

● ЗИМБАБВЕДА Билл Маклеод деган одам Булавайо шаҳрида истиқомат қилар эди. Асли швециялик бўлган бу киши асосан башорат қилиш билан шуғулланарди. У мамлакатнинг аввалги президентлари вафоти кунларини, ЖАР президенти Н. Манделанинг «тахтга ўтириш» вақти-соатини, валиаҳд Чарлз ва киролича Диананинг никоҳ кунларини, М. Тэтчернинг 1979 йилги сайловларда ғалаба қилишини айтиб берган эди. Ҳаммаси тўғри чиққанди. Яқинда у Зимбабвенинг икки президентидан бирининг қаттиқ касал бўлишини башорат қилди. Буни қарангки, Ж. Нкомонинг машаси кечди, у ЖАРга операция учун жўнатилди. Лекин, Б. Маклеод битта нарсани билмаган экан: у яқинда вафот этди.

● ХАР КИМДА бир ишқибозлик бўлади, дейдилар. Эроний Ҳасан Латифий Шоҳруд қишлоқида умргузаронлик қилади. У гуллар «жинни»си. Бутун умри бўйи у табиатнинг энг нозик ўсимликларини чатиштириш билан шуғулланиб келди. Ниҳоят, у ўзининг дилидаги энг катта орзусига эришди. Бир тупда 14 хил гул етиштиришга сазовор бўлди.

● ЖАҲОНДА энг махфий ташкилотлардан бири — АҚШнинг Марказий Разведка Бошқармаси ҳисобланади. Унинг таркибида қанча одам хизмат қилади, дунёнинг қайси бурчакларида МРБ одамлари нима билан шуғулланаётганлигини ҳамон ҳеч ким билмайди. Куни кеча МРБ ўз фаолиятининг 50 йиллигини нишонлади. Байрам тадбирлари ҳам «камтарона», шов-шувсиз ўтказилди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

САЛОМ, ФЕСТИВАЛ!

ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ

Биринчи халқаро «Шарқ тароналари» мусиқий фестивали иштирокчилари тингловчиларни сеҳрли куйлар билан хурсанд қиладиган кунлар яқин. Бу унутилмас байрамга тайёргарлик жуда қизғин кетмоқда. Тайёргарлик кўраётганлар орасида «Маҳаллий саноат» корпорацияси ҳам бор.

— Қўҳна заминимизда биринчи марта «Шарқ тароналари»дек улкан мусиқа байрами бошланади, — дейди «Маҳаллий саноат» корпорацияси раисининг ўринбосари Абдуманнон Каримов. — У Ўзбекистон ҳамда бутун Шарқ мусиқа санъатининг ҳақиқий мадҳиясига айланади. Бундан ташқари, фестивал сайёрамизнинг жуда улкан минтақаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва аҳилликни мустаҳкамлаш йўлида янги қадам бўлади.

Корпорациямиз фестивал ҳомийси сифатида унинг рамзи туширилган совғалар тайёрламоқда. Ҳозир совға учун жуда кўп кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга киришилган. Тикувчилик ва трикотаж фабрикаларида майкалар, футболкалар, дастурхон ва сочиқлар тикишга киришилди. 620 минг сўмлик умумий буюртманинг 90 фоизи бажарилди. Чопонлар, дўппилар, аёллар ковушлари ҳамда зардўзлар қўлидан чиққан чиройли кўзойнак ғилофлари фестивал меҳмонларига манзур бўлиши шубҳасиз. Булардан ташқари, ЮНЕСКО ҳамда фестивалда иштирок этаётган мамлакатлар рамзи туширилган нишонлар, вимпеллар тайёрланмоқда. Биз тайёрлаган совғалар биринчи халқаро «Шарқ тароналари» фестивали иштирокчиларида гўзал Самарқандда бўлган учрашувлардан ўчмас хотира бўлиб қолишига ишонамиз.

С. ТЕН, ЎзА мухбири.



... Барибир чиқаман.

Даврон АҲМАД олган сурат.

«ИЙК-ОТА»ДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманидаги «Ийк-ота» жамоа хўжалигининг маданият саройида ногиронлик муаммолари бўйича иккинчи халқаро семинар ва ногирон болалар учун «Ўзбекистоннинг жозибадор ранглари» деб аталган халқаро бадиий танлов бўлиб ўтди.

Бу тадбирларни республика ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва «Енграг» халқаро мурувват жамғармаси ўтказди. Бу тадбирлардан кўзда тутилган мақсад ногирон болаларнинг ижтимоий мослашуви чораларини, уларни фаол ижтимоий ҳаётга, маданиятга, жалб этиш, истеъдодларни аниқлаш, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш чораларини муҳокама қилишдан иборат. Бундан ташқари, семинар иштирокчилари ногиронларнинг саломатлигини тиклаш соҳасида жаҳонда эришилган энг сўнгги ютуқлар билан танишдилар.

Семинар ишида республика ижтимоий таъминот вазири Б. Умурзоқов, «Енграг» халқаро мурувват

Соғлом авлод учун

жамғармаси (АҚШ) Бош директори, профессор Пак Бьянг Сун, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш қўмитаси раиси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси раиси Г. Йўлдошева иштирок этди.

Семинарда республиканинг тегишли вазирликлари, идоралари, жамоат ташкилотлари, халқаро мурувват жамғармаларининг раҳбарлари, Корея ва Қозоғистон республикаларидан келган олимлар ва мутахассислар ногиронлик муаммолари бўйича маъруза қилдилар.

Семинарда таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистонда барча ногиронларга эътибор берилиб, уларга ғамхўрлик қилинмоқда. Бу ерда ногиронлар учун яхши турмуш шароити яратилган. Уларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган бир қанча муҳим дастурлар амалга оширилмоқда. Ногиронлар учун имтиёзлар кўзда тутилган, улар фаол ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилгани учун жамият билан бирга эканини ҳар доим ҳис қилиб турибди.

Семинар иштирокчилари бундан буён ҳам ногиронларга ғамхўрлик қилиш, таълим олишда уларга зарур ёрдам бериш, ногиронлар учун иш жойлари барпо этиш лозимлиги тўғрисида гапирдилар. Бу олижаноб ишда жаҳон тажрибаси ютуқларидан кенг фойдаланмоқ керак. Семинарда ногиронларни ёшликданоқ тиббий-ижтимоий жиҳатдан тиклаш, ногирон болаларни ижодиётга, спортга фаол жалб этиш каби долзарб масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Бу ерда бўлиб ўтган бадиий танловда Қорақалпоғистон республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан, шунингдек Марказий Осиё мамлакатларидан 50 нафардан ортиқ 15 ёшгача бўлган болалар иштирок этди.

Ҳакамлар қарорига биноан, биринчи ўрин Самарқанд вилоятидан келган ўн икки ёшлик Санжар Қаюмовга берилди. Унга диплом, эсдалик совғалари ва эсдалик буюмлари топширилди. Танловнинг бошқа иштирокчиларига ҳам мукофотлар берилди.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

ТОЗАЛИК — КАСАЛЛИК КУШАНДАСИ

Ич терлама ва паратиф касалликлари ўткир ошқозон ичак касалликлари гуруҳига кириб, ўлкамизда нисбатан кўп тарқалган.

Касалликни махсус микроблар — қорин тифи ва паратиф таёқчалари қўзғатади. Микроблар иссиққа жуда таъсирчан бўлиб, қайнатилганда улар дарҳол ўлади. Хлорли оҳак, лизол, хлорамин ва бошқа дизенфекцияловчи моддалар таъсирида микроблар бир неча минут ичида нобуд бўлади. Бироқ, улар ташқи муҳитда жуда узоқ яшаш қобилиятига эга бўлиб, оқар сувда 4 кун, кўлмак сувда 2—3 ҳафта, тупроқда 2—3 ой яшайди. Сут, сут маҳсулотларида, ҳасип, калла гўшти ва бошқа маҳсулотларида яшабгина қолмай, балки, кўпаяди ҳам.

Ич терлама ва паратиф касалликлари жуда кўп ҳолларда онгнинг хиралашиши билан бошланади. Касалликда ичаклар зарарланади. Касалликнинг 2—3 ҳафта яширин даври бўлади. Бунда ичакда яллиғланиш, ичак деворларида эса яра ҳосил бўлади. Касаллик оғир кечганда, ичак деворларида чукур яралар пайдо бўлиши натижасида майда қон томирлари ёрилиб, ичакдан қон оқишига сабаб бўлиши ва хатто ичак деворларининг тешилиши ҳам мумкин. Микроблар ингичка ичакдан қонга ўтади ва бутун организмга тарқалади.

Касаллик, ёш болаларда тез, катталарда секинлик билан бошланади. Тана ҳарорати аста-секин кўтарилиб, ҳафта давомида 39—40 даражага етади. 1-2 ҳафтагача беморнинг истмаси, тушмай, боши оғриб, тинкаси қурийди. Ланж бўлади, бутун бадани зирқираб оғрийди, яхши ухлай олмайди, иштахаси йўқолиб, титраб-қақшайди. Лаблари қуруқлашиб, ёрилади.

Хаста тузалгач, 2—3 ҳафта ичида беморнинг аҳволи яхшиланади. Баъзан эса клиник аломатлар яна қайта пайдо бўлиши мумкин. Шу сабабли бемор тузалиб, касалхонадан чиққанидан сўнг бир неча ой давомида махсус юқумли касалликлар хонасида врач назоратида бўлиши шарт. Умумий овқатланиш корхоналарида, болалар муассасаларида, озиқ-овқат саноатида, сут ошхоналари, озиқ-овқат магазинлари, сут таъминоти тизимида ишловчи барча ходимлар тиббий назоратда бўлишлари шарт. Ич терлама ва паратиф касалликлари учун каса-

Шифокорлар маслаҳат берадилар

лликнинг оғир оркали юқуши характерлидир. Инфекция бемор одамдан ёки бактерия ташувчилардан соғлом одамга яқин муносабатда бўлганда, рўзғор буюмлари, сув ва озиқ-овқат орқали юқади. Очиқ сув хавзалари: кўл, ховуз, чашма ва қудуқ сувлари ифлосланиши мумкин. Яна шу сувларни қайнатмасдан ичганда, идиш товоқ ювганда, мева сабзавотларни чайганда, чўмилганда, оғизга сув кирганда, шунингдек сут, қаймоқ, музқаймоқ, торт, пирожний, пишлоқлар, яхна гўшт, қовирилган балиқ орқали ҳам юқади.

Оддий шахсий гигена қоидаларига амал қилмаган ва озода бўлмаган киши касалликни ҳамма ерда юқтириши мумкин. Касаллик турли ойларда учрайди. Хусусан, ёз, куз ойларида кўп кузатилади. Кейинги йилларда баъзи одамлар табиатни асраб-авайлаш зарурлигини унутиб қўйганлар. Сир эмас, бугун шаҳар ва қишлоқлардан оқиб ўтадиган сувларга қараб бўлмайди. Лойқаланиб оқаётган бу сувда нималар йўқ дейсиз? Мағзавадан тортиб, ҳар хил чиқиндилар, ҳатто, харом қотган жониворларни кўрасиз. Шуми, обиҳаётга бўлган муносабат? Айрим шахсларнинг бу иши қанча одамларнинг саломатлигига завол бўлаяпти.

Вилоятимизнинг кўпгина шаҳар ва туманларда айрим хўжаликлар санитария қоидаларига йиллар давомида етарли эътибор бермаяптилар. Ахлатлар уюмидан қишлоқ, қўрғонлар атрофини тозалаш ишлари билан аҳоли ҳам, фуқаролар йиғини раислари, хўжаликларнинг мутасадди раҳбар ходимлари етарлича шуғулланмаяптилар.

Аҳоли ўртасида касалликнинг тарқалишида кейинги вақтларда санитария-гигиена қоидалари талабларига мутлақо жавоб бермайдиган жойларда, кўча ва бозорларда истеъмол учун тайёрланган овқат маҳсулотлари орқали ич терлама ва паратиф касалликларининг тарқалиш ҳавфи доимо мавжуд бўлиб туради. Айниқса, қўшни давлат ва вилоятлардан касалликнинг кириб келиши ҳавфи ортиб бормоқда.

Айни кунларда касалликнинг тарқалиши учун барча имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жойлардаги соғлиқни сақлаш тизимлари, хўжалик, корхоналарнинг барча имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда, аҳоли ўртасида ич терлама, паратиф ва бошқа юқумли ошқозон-ичак касалликларини кескин камайтириш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Касалликнинг олдини олиш тадбирларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, фақат тиббиёт ходимларининг вазифасигина бўлмай, балки, умумхалқ ишидир. Бу ишга барча мутасадди ташкилотлар бирданига киришган тақдирдагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ғ. НОРОВ, вилоят санитария-эпидемия станцияси бош врачининг эпидемиология масалалар бўйича муовини.

Л. КАРАБАНОВИЧ, эпидемиология шифокори.

*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*СПОРТ*

Футбол МУДДАТЛАРИ ҲАМ МАЪЛУМ

ЎЗБЕКИСТОН футбол федерацияси бош котиби Зокиржон Қурбонов Цюрихда бўлажак жаҳон чемпионати учун даъвогарлар ўртасида қуръа ташлаш йиғилишида қатнашиб қайтди. Гарчанд факс орқали мамлакатимиз терма жамоасининг қайси гуруҳда кимлар билан ўйнаши зудлик билан мухлисларга маълум қилинган бўлса-да, муддатлари ноаниқ эди.

Бош котиб билан қисқача суҳбатда бўлдик.

— Қуръа бизга адолатсизлик қилмадими?

— Мен футболда, бунинг устига жаҳон биринчилигида жамоаларнинг кучли ёки кучсиз деб ажратиш фикрига қаршиман. Осиё қитъасининг иккинчи босқичида қатнашадиган 10 та жамоанинг имкониятлари деярли тенг деб ҳисоблайман. Шунинг учун ҳар бир учрашувни ўта масъулият ва Ватан туйғусини ҳис қилган ҳолда ўтказиш лозим.

Суҳбатдошимизнинг таъкидлашича, жами 20 та учрашувнинг 7 таси муҳлати узил-кесил эмас. Яъни бир кун эмас, икки кун муҳлат қўйилган. Айтайлик, Япония—Ўзбекистон учрашуви ё 6 сентябрь ёки 7 сентябрда ўтказилиши мумкин.

Қуйида мухлислар эътиборига гуруҳимизда қатнашадиган жамоаларнинг ўйинлари муддатини ҳавола этамиз: Корея — Қозоғистон — 6-7 сентябрь. ЯПОНИЯ — ЎЗБЕКИСТОН — 6-7 сентябрь. КОРЕЯ — ЎЗБЕКИСТОН — 12 сентябрь. БАА — Қозоғистон — 12 сентябрь, БАА — Япония — 19 сентябрь. ҚОЗОҒИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН — 20 сентябрь. ЎЗБЕКИСТОН — БАА — 27 сентябрь. ЯПОНИЯ — КОРЕЯ — 27-28 сентябрь. Қозоғистон — Япония — 4 октябрь. Корея — БАА — 4 октябрь. Қозоғистон — Корея — 11 октябрь. ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ — 11 октябрь, ЎЗБЕКИСТОН — КОРЕЯ — 18-19 октябрь. Қозоғистон — БАА — 18 октябрь. Япония — БАА — 25-26 октябрь. ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН — 25 октябрь. БАА — ЎЗБЕКИСТОН — 2 ноябрь. Корея — Япония — 1-2 ноябрь.

Япония — Қозоғистон — 8-9 ноябрь. БАА — Корея — 9 ноябрь.

ЖАҲОНДА УЧИНЧИ

ВАТАНИМИЗ шохмотчилари мустақиллик туфайли жаҳон миқёсида ўтказилаётган йирик халқаро турнирлар ҳамда биринчиликларда қатнашибгина қолмай, балки совриндорлар сафидан ҳам ўрин эгаллашмоқда.

Жумладан, Индонезияда шаҳарлар жамоалари — шохмотчилари ўртасида бўлиб ўтган жаҳон биринчилигида вакилларимиз Киев ҳамда Москва спортчиларидан сўнг учинчи ўринни қўлга киритдилар. Терма жамоамиз сафида қуйидаги шохмотчилар иштирок этишди: гроссмейстерлар: Александр Ненашев, Михаил Салтаев, Сайдулла Йўлдошев, Сергей Загребельний, халқаро спорт устаси Дмитрий Қаюмов.

ОСИЁ БИРИНЧИЛИГИ СОВРИНДОРЛАРИ

ХИТОЙНИНГ Янгшоу шаҳрида оғир атлетика бўйича Осиё биринчилиги мусобақаларида 12 мамлакат полвонлари баҳслашдилар. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Игорь Халилов ниҳоят ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди.

У ХИРОСИМАДА ўтказилган XII Осиё ўйинларида, 1995 йил Сеулда ва 1996 йил Японияда бўлиб ўтган қитъа биринчиликларида иккинчи ва учинчи мукофотли ўринларни эгаллаган, бу сафар ғолиб чиқишга қатъий аҳд қилган эди. Спортчимиз уччала машқда ҳам рақибларинигина эмас, ҳатто ўз мўлжалидан кўра оғирроқ штангани кўтаришга ва учта олтин медални қўлга киритишга муяссар бўлди. У силтаб кўтаришда 210 килограмм, даст кўтаришда 170 килограмм ва икки курашда 380 килограммлик марраларни забт этди. Ғолибликка даъвогар бўлган Жанубий қуриялик рақибидан оз эмас, кўп эмас 25 килограмм юқори натижа кўрсатди. Игорь Халилов мутлақ оғир вазнда Осиёда тенги йўқ оғир атлетикачи эканлигини исботлади.

Яна бир вакилимиз тошкентлик Александр Ўрунов 99 килограммгача вазнлилар баҳсида қатнашиб, 2 та бронза ҳамда битта кумуш медалга сазовор бўлди. Оғирликни даст кўтаришда 150 килограмм, силтаб кўтаришда 182,5 килограмм натижа кўрсатди.

Акбар УМИРОВ.

РОССИЯ МЕДАЛЛАРИ — ЎЗБЕКИСТОНЛИК СПОРТЧИЛАРДА

Спортда ҳар бир лаҳзанинг қадрига етиш керак. Москвада бўлиб ўтган каноэ ва байдаркада эшкак эшиш бўйича Россия очиқ чемпионати иштирокчилари бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Мусобақанинг барча турида рақобат кучли бўлди. Лекин беш юз метр масофага тўрт кишилик байдаркада эшкак эшишда кураш айниқса қизғин тус олди. Мусобақанинг бу турида ўзбекистонлик спортчилар яхши натижа кўрсатиб, иккинчи ўринни эгаллади. Улар мезбонлар — Атлантадаги Олимпия ўйинларининг кумуш совриндори бўлган россияликларга атиги 1,5 секунд ютқазиб қўйдилар. Ўзбекистонлик Рафаэл Исломов, Вадим Казанцев, Андрей Ширин ва Константин Яшин кумуш медални қўлга киритишди. Бу тўртлик минг метр масофага сузишда ҳам иккинчи ўринни олди.

Каноэда 200 метр масофага сузишда Татьяна Левина, Инна Исакова, Ирина Лялина, Оксана Шпигоневичдан иборат Ўзбекистон терма командаси олтин медални қўлга киритди.

Ака-ука Сергей ва Владимир Шоисломовлар, Андрей Горелов ва Дмитрий Коваленко каноэда 32 экипажни орқада қолдириб, минг метр масофага сузишда маррага учинчи бўлиб етиб келишди.

(ЎзА).

Об-ҳаво

ҲАРОРАТ БИРОЗ ПАСАЯДИ

Ўзбекистон гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, 30 июль-3 август оралиғида ҳаво очиқ келиб, ҳароратнинг тафти бироз пасаяди. Беш кунликнинг дастлабки уч кунида кечалари 19-24, кундуз кунлари 34-39 даража бўлади. Ушбу муҳлатнинг сўнгги икки кунида ҳарорат янада пасаяди. Кечалари 14-19, кундуз кунлари 28-33 даража иссиқ бўлади.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «ЭМБЕТА-АЗИЯ» масъулияти чекланган жамияти

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида 30-75-12 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «ПИЛОТ-МАШ» масъулияти чекланган жамияти

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида 97-99-48 телефони орқали қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0436. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 9.601 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5 6